ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, узоқ йиллик суғорма деҳқончилик олиб борилиши натижасида ўтлоқи саз тупроқлар устки 0-50 см ли қатламида гумус ва азот захиралари аввалги йиллар тадқиқот натижаларига нисбатан бироз юқори кўрсаткичларда қайд қилинди. Яъни уларнинг миқдори 0-50 см ли тупроқ қатламида гумус 85,4 т/га, азот 6,4-6,6 т/га ни ташкил этганлиги кузатилди. Лекин, бир метрлик қатламида туз захиралари кейинги йилларда ортиб бораётганлиги аниқланди.

Бунинг асосий сабаблари суғориш сувлари билан сувда осон эрувчи тузларнинг кириб келиши, сизот сувлари сатҳини йилдан йилга кўтарилиб бориши, агротехник ва агромелоратив тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажарилмаслиги, коллектор ва зовурларнинг тозаланмаслиги, уларни ишчи ҳолатда эмаслиги каби антропоген омиллар таъсири натижасида суғориладиган тупроқларнинг хосса-хусусиятлари, мелиоратив ҳолати ва унумдорлигида салбий ҳолатлар ҳам рўй бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қўзиев Р.Қ., Абдурахмонов Н.Ю., Исмонов А.Ж. ва бошқалар. Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йўриқнома. – Тошкент: 2013. – 18 б.
2. Қўзиев Р.Қ., Абдурахмонов Н.Ю. ва бошқалар «Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларини бонитировкалаш бўйича услубий кўрсатма» (муаллифлар жамоаси). Ердан фойдаланиш, ер тузиш ва ер кадастри бўйича меъёрий ҳужжатлар. – Тошкент: 2005. – 24 б.
3. Қўзиев Р.Қ., Абдурахмонов Н.Ю., Юлдашев А. Тупроқ унумдорлиги даражасини баҳолаш ва ерларнинг меъёрий қийматини ҳисоблаш бўйича услубий қўлланма. – Тошкент: 2009. – 30 б.
4. Қўзиев Р.Қ., Абдурахмонов Н.Ю. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларни бонитировкалаш бўйича услубий қўлланма – Тошкент: 2005. – 25 б.
5. Исмонов А.Ж. Абдурахмонов Н.Ю., Қаландаров Н.Н., Мамажонова Ў.Х. Фарғона вилояти суғориладиган тупроқлари унумдорлиги. ЎзМУ хабарлари, – Тошкент: 2013. № 4. – Б. 55-57.
6. Исмонов А.Ж. Наманган вилояти тупроқлари эволюцияси., –Тошкент: ЎзМУ хабарлари. 2012. №3. – Б. 137-140.
7. Исмонов А.Ж. Фарғона вилояти суғориладиган тупроқлари эволюцияси ва трансформацияси // «O'zbekiston biologiya» jurnali. – Toshkent, 2011. №5. – Б. 51-53.
8. Исмонов А.Ж. Фарғона водийси тупроқ қопламалари // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент: ЎзМУ, 2011. №1/1. – Б. 148-151.
9. Кузиев Р.К., Сектименко В.Е. Почвы Узбекистана. – Ташкент: 2009. – 352 с.
10. Қўзиев Р.Қ., Сектименко В., Исмонов А. Ўзбекистон тупроқлари қопламлари Атласи. –Тошкент, 2010. – 41 б.

УДК:631.4

ТУРКИСТОН ТОҒ ТИЗМАСИ ЁНБАҒИРЛАРИДАГИ ТОҒ ЖИГАРРАНГ ТУПРОҚЛАРИНИНГ УМУМИЙ МОРФОГЕНЕТИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Эргашев БахтиёрТайирович,
кичик илмий ходим,
E-mail: ergashevbahtiyor@mail.ru
Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти

Аннотация. Мазкур мақолада Туркистон тоғ тизмасининг ёнбағирларида тарқалган тоғ жигарранг тупроқларининг морфогенетик кўрсатгичларига доир маълумотлари келтирилган. Мақолада тоғ жигарранг тупроқлари шаклланишида иштирок этган тупроқ ҳосил қилувчи омилларнинг тупроқлар хоссаларига таъсири, шунингдек, ушбу тупроқларнинг ўзига хос регионал хусусиятлари ёритилган.

Калит сўзлар: тоғ жигарранг тупроқ, морфогенетик хоссалари, гумус, рельеф, иқлим, регионал хусусиятлар.

Аннотация. В данной статье представлены сведения о морфогенетических показателях горных коричневых почв, распространенных на склонах Туркестанского хребта. В статье описано влияние почвообразуюших факторов на формирование, свойства и региональные особенности горных коричневых почв.

Ключевые слова: горная коричневая почва, морфогенетические свойства, гумус, рельеф, климат, региональные особенности.

Annotation. This article presents information about the morphogenetic parameters of mountain brown soils, common on the slopes of the Turkestan Range. The article describes the influence of soil-forming factors involved in the formation of mountain burozems on soil properties, as well as the regional features of these soils.

Key words: mountain brown soil, morphogenetic properties, humus, relief, climate, regional features.

Кириш. Тупроқ умумхалқ бойлиги, у доимо инсон ҳаёти учун зарур бўлган озиқ-овқат хомашёси ва маҳсулотларини етиштириш учун асосий манба, макон ҳисобланади. Тупроқ ҳосил бўлиш жараёни жуда мураккаб бўлиб, унинг шаклланишида табиий омиллар – она жинс, рельеф, иқлим, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда вақт каби омиллар билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлади. Генетик тупроқшунослик фанининг асосчиси В.В.Докучаев [1] бу табиий омилларнинг ўзаро мустақиллик, яъни бир омил иккинчи омилнинг ўрнини алмаштирмаслик ҳамда шу билан уларнинг ўзаро боғлиқлик тамойилида тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида иштирок этишини алоҳида кўрсатиб ўтган. Қолаверса, бу ўзаро боғлиқлик ва улар ўртасидаги нисбатнинг барқарорлиги (ўзгармаслиги) тупроқ ҳосил бўлишининг асосий қонуниятларидан бири ҳисобланади. Бу табиий омиллар ўз барқарорлигини сақлагани ҳолда айрим географик ҳудудларда ўзига хос устуворлик қилиши мумкин. Жумладан, тоғли ўлкаларда ҳудуднинг рельеф шароити, тоғ қияликлари, нишаблиги, қуёшга нисбатан жойлашиши, нуралган жинсларнинг тарқалиши, талқон тупроқли қатламнинг қалинлиги, намлик захираси, ўсимлик қопламининг ҳолати ва бошқаларда ўзининг бевосита таъсирини ўтказади. Иқлим ҳам рельеф шароитлар маълум ҳудудларда ўз устуворлигини намоён қилиши мумкин.

Г.Т.Жалилова (2009), тоғ қияликлари ва нишаблиги генетик қатламларни, уларни морфологик белгиларини табақалаштиришда муҳим ўрин тутишини ўз изланишларида таъкидлаб ўтган.

Муаллифнинг фикрича, шимолий қияликда, яъни қуёш нури кам тушадиган томонда, ўсимлик қоплами қалин, тупроқ юзаси кучли чимланган, тупроқ ранги қорамтир ҳамда донадор-ёнғоқсимон агрегатлар мавжуд бўлса, жанубий доимо қуёшга қараган қияликда эса бунинг акси, яъни ўсимлик қоплами сийрак ҳолатда бўлгани учун тупроқ юзаси кам чимланган, тупроқ массаси тўқ бўз рангда, кесакчали-ёнғоқсимон агрегатлардан ташкил топган. Г.Т. Джалилова [2] ўз тадқиқотларида қияликда эрозия жараёни турлича бўлишини кўрсатиб ўтган.

Тадқиқот объекти. Изланишлар олиб борилган Туркистон тоғ тизмаси ёнбағир ҳудудларида таркалган карбонатли, типик ва ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларнинг аналитик маълумотларига кўра, ҳар бир тупроқ типчаси ўзига хос морфогенетик кўрсаткичларга эга, чунки тоғ жигарранг тупроқ типи республикамизнинг барча тоғли ўлкаларининг типик вакили бўлиб, бу тупроқлар генезиси, эволюцияси ва морфологиясининг ўзгаришида рельеф, иқлим ва ўсимлик қопламининг ролини айнан мана шу тупроқ типчаларининг шаклланишида яққол кузатиш имконини беради. Шуни таъкидлаш лозимки, рельеф табиий тупроқ ҳосил қилувчи омил сифатида тупроқ қопламининг шаклланишида билвосита иштирок этсада, унинг тоғли ўлкаларда, айниқса нишаблиги турлича бўлган ҳамда унинг қуёш нурига нисбатан тутган ўрнига қараб майин талқон тупроқли, қолаверса гумусли қатламининг қалинлиги, механик заррачаларнинг скелетлилиги катта-кичиклиги ҳамда уларнинг карбонатли қатламининг жойлашиш чуқурлиги ва бошқаларнинг табақаланишида асосий омил сифатида намоён бўлади.

ISSN 2181-0626 1/2023y.

Тадқиқотлар умумқабул қилинган услублар бўйича амалга оширилди. Изланишларда генетик-географик, литологик-геоморфологик, кимёвий-аналитик ҳамда профиль усулларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Шундай қилиб, тоғ жигарранг карбонатли тупроқларда гумусли қатлам (A+B1+B2) қалинлиги 47-95 см ни ташкил этса, типик ва ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларда 54-67-49-58 см ни ташкил этади. Тоғ жигарранг карбонатли тупроқларда CO_2 карбонатлар тупроқни юқори қатламлариданоқ кўринади, бу типда карбонатларнинг бошланиш чегараси 16-82 см да кузатилди. Типик ва ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқларда 20-105-20-91 см ни ташкил этади.

1-жадвал

Тоғ жигарранг карбонатли, типик ва ишқорсизланган тупроқларининг морфогенетик кўрсаткичлари.

Т/р	Тупроқ номи ва тавсифи	Рельеф бўйича жойлашуви ва экспозицияси	Қиялик даражаси,^{0}	Гумусли қатлам калинлиги, см.	Ҳайдалма қатлам ранги	Карбонатларниюқоричегараси, см		«А» чимли ва ҳайдалма қатламни механик таркиби	«А» чимли ва ҳайдалма қатламни структураси
				A_H+B1+B2		моғорсимон	конкреция		
8	Карбонатли тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	юқориги текис қисми (сув айиргич)	0,5^0	47	жигарранг	16	115	ўрта қумоқ	майда донадор
9	Карбонатли тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	қияликнинг ўрта қисми (жанубий экспозиция)	5,0^0	50	жигарранг	20	90	ўрта қумоқ	донадор
10	Карбонатли тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	қияликнинг ўрта қисми (шимолий экспозиция)	4,0^0	54	жигарранг	24	82	ўрта қумоқ	донадор
11	Карбонатли тоғ жигарранг тупроқ, лалми	қияликнинг ўрта қисми (жанубий экспозиция)	4-6^0	85	жигарранг тусли	20	95	ўрта қумоқ	донадор кесакчали
12	Карбонатли тоғ жигарранг тупроқ, лалми	қияликнинг ўрта қисми (шимолий экспозиция)	3-5^0	95	жигарранг	40	120	ўрта қумоқ	донадор кесакчали
13	Типик тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	юқориги текис қисми (сув айиргич)	0,5^0	54	оч жигарранг	54	140	ўрта қумоқ	донадор
14	Типик тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	қияликнинг ўрта қисми (жанубий экспозиция)	3-4^0	63	тўқ жигарранг	22	120	ўрта қумоқ	майда донсимон
15	Типик тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	қияликнинг ўрта қисми (шимолий экспозиция)	4,0^0	67	тўқ жигарранг тусли	20	105	ўрта қумоқ	донсимон донадор
16	Ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	юқориги текис қисми (сув айиргич)	0,5^0	49	тўқ жигарранг	23	91	ўрта қумоқ	донадор
17	Ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	қияликнинг ўрта қисми (жанубий экспозиция)	6,0^0	58	тўқ жигарранг	20	120	ўрта қумоқ	майда донадор
18	Ишқорсизланган тоғ жигарранг тупроқ, кўрик	қияликнинг ўрта қисми (шимолий экспозиция)	4-5^0	50	тўқ жигарранг қўнғир тусли	25	128	ўрта қумоқ	донсимон донадор

Чимли ва ҳайдалма қатламнинг ранги тупроқ типчаси ва қайси экспозицияда жойлашувига қараб, ўзгариб боради. Чимли ва ҳайдалма қатлам механик таркиби ва структураси барча тупроқ типларида бир-биридан сезиларли катта фарқланмайди. Юқоридаги кесмалар ёзилмасидан кўриниб турибдики, жигарранг карбонатли, типик ва ишқорсизланган тупроқларда қатор генетик табақалашган қатламлар морфологик жиҳатдан яхши ифодаланган ва кузатишларда яққол кўзга ташланиб туради. Бу тупроқларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган холат гумусли, карбонатли, тупроқ ости қатламларга бўлинишидир (1- жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, турли шароитларда ривожланган тоғ жигарранг тупроқларининг морфогенетик кўрсаткичлари бир-биридан бир мунча фарқ қилади. Гумусли қатлам калинлиги турли тоғ жигарранг тупроқларида 47-95 см оралиғида бўлиб, тоғ тизмасининг юқориги текис қисми (сув айиргич)да жойлашган қўриқ карбонатли тоғ жигарранг тупроқларда энг кам миқдорда қайд қилинган. 95 смли гумус қатлами қалинлиги қияликнинг ўрта қисми (шимолий экспозиция)да тарқалган лалми карбонатли тоғ жигарранг тупроқларда кузатилган.

Ўрганилган тупроқлар «А» чимли ва ҳайдалма қатламни механик таркиби барча ҳолларда ўрта қумоқли бўлсада, ушбу қатламнинг структрурасида сезиларли фарқни кўршимиз мумкин. Жумладан, ушбу қатлам структурасида майда донадор, донадор, донадор-кесакчали, майда донсимон структура турлари учрайди. Карбонатларни юқори чеагараси моғорсимон типи учун 16-54 см оралиғида, конкреция шаклида эса 82-140 см чуқурлик оралиқларида учраганини кузатишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тоғ жигарранг тупроқлар морфологияси ва хоссаларини чуқур таҳлил қилиш орқали, бу тупроқлардаги гумус миқдорини қиёсий солиштириш – бу тупроқ ҳосил қилувчи табиий омилларнинг тупроқ қоплами шаклланишида турли экцпозиция нуқталарда бир хил ифодаланмаганлигини кўрсатади. Айниқса бу ерда иқлим ва тоғ қияликларининг қуёшга нисбатан тутган ўрни катта рол ўйнайди. Тоғ жигарранг тупроқларининг гумусли қатлами қалинлиги, А қатлам структуруси ва карбонатли қатлам чегаралари ўзаро фарқланиши қиялик эскпозицясига боғлиқ эканлигини хулоса қилишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Докучаев В.В. «К учения о зонах природы» Соч. – М.: –Л.: Издательство АН СССР, 1951. –Т6. – С. 35-102.
2. Джалилова Г.Т. Ўзбекистон ўрта ва паст тоғларидаги эрозия жараёнларини геоахборот таҳлили (Чотқол ва Туркистон тоғлари тупроқлари мисолида) Автореф. дисс. ...б.ф.д. –Тошкент, 2018.

SUG‘ORILADIGAN O‘TLOQI ALLYUVIAL TUPROQLARNING XOSSA-XUSUSIYATLARI

Abduraxmonov Nodirjon Yulchiyevich,*
b.f.d., professor, ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha direktor o‘rinbosari nodirjon_1976@mail.ru
Yerdashova Gulzar Bahrom qizi,**
II-kurs magistrant

**Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar instituti*
***O‘zMU Biologiya fakulteti Tuproqshunoslik kafedrasi*

Annatotsiya. Maqolada Qoraqalpog‘iston Respublikasi, Amudaryo tumanining «To‘lqin» massivi sug‘oriladigan o‘tloqi-allyuvial tuproqlarida olib borilgan tadqiqot natijalari asosida aniqlangan tuproqning mexanik tarkibi, gumus va oziqa elementlarning miqdorlari va ularning ta’minlanganlik darajalari to‘g‘risidagi ma’lumotlar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: Sug‘oriladigan o‘tloqi allyuvial tuproqlar, mexanik tarkibi, gumus, harakatchan fosfor, almashinuvchi kaliy va ta’minlanganlik darajalari.

Аннотация: В статье представлены сведения о механическом составе почвы, количестве гумуса и элементов питания и степени их обеспеченности, определенных на основе результатов исследований, проведенных на орошаемых лугово-аллювиальных почвах массива «Тулкин» Амударьинского района Республики Каракалпакстан.

Ключевые слова: Орошаемые лугово-аллювиальные почвы, механический состав, гумус, подвижный фосфор, обменный калий и степен обеспеченности.

Annotation: The article presents information about the mechanical composition of the soil, the amounts of humus and nutrients and their levels of availability, determined based on the results of research conducted in the irrigated meadow-alluvial soils of the «Tolkin» massif of Amudarya district, Republic of Karakalpakstan.

Key words: Irrigated grassland alluvial soils, mechanical composition, humus, mobile phosphorus, exchangeable potassium and availability levels.

Kirish. Sug‘oriladigan qishloq xo‘jaligi yer maydonlarida, tuproq unumdorligini pasaytiruvchi omillar sabab ya’ni, qishloq xo‘jaligi ekinlari tomonidan faol organik moddalarni doimiy olib chiqib ketilishi va ularni o‘rnini to‘ldirib borilmaganligi, tuproqni yuza qismini jadal namlanishi va tuproqga ishlov beruvchi texnikalarni ko‘p marta yurib o‘tishi oqibatida sug‘oriladigan tuproqlarni agrofizik va biologik xossalari holati keskin yomonlashgan.

ISSN 2181-0626 1/2023y.